Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 254 (4970).

31 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

28 декабрда Тошкент область ва шаҳар партия ташкилотлари активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитети декабрь (1973 йил) Пленуми якунлари ва область коммунистларининг вазифалари муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги партия XXIV съезди қарорларини бажариш юзасидан фаолиятини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён қилинган қонда ва хулосаларни қизғин маъқулладилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. МУСАХОНОВ, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. ХУЖАЕВ, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. ИСМАТОВ, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. МУҲАМЕДОВ, область касаба союзлари Совети раиси А. Б. БРАИЛОВ, В. П. Чкалов номли самолётсозлик заводи фрезерчиси А. А. ДЕВЯТОВА ва Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари С. А. АҲМЕДОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Актив йиғилишида бир овоздан қабул этилган резолюцияда Тошкент области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми кўрсатмаларини муваффақиятли амалга ошириш учун куч-ғайратларини аямайдилар, Ватаннинг иқтисодий қувватини янада мустаҳкамлаш, халқнинг турмуш фаровонлиги ва маданий даражасини янада юксалтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонч билдирилди.

КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ УЧУВЧИ УРТОҚ П. И. КЛИМУККА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз—13» космик кемасида орбитага учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт учувчи ўртоқ **Петр Ильич Климукка Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин **ва Ленин** ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1973 йил 28 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ П. И. КЛИМУККА «СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз—13» кемасида космосга парвоз қилганлиги учун Совет Иттифоқи граждани ўртоқ Петр Ильич **Климукка «СССР Космонавт учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1973 йил 28 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ УЧУВЧИ УРТОҚ В. В. ЛЕБЕДЕВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз—13» космик кемасида орбитага учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт учувчи ўртоқ **Валентин Витальевич Лебедевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин ордени** ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1973 йил 28 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ В. В. ЛЕБЕДЕВГА «СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Союз—13» кемасида космосга парвоз қилганлиги учун Совет Иттифоқи граждани ўртоқ Валентин Витальевич **Лебедевга «СССР космонавт учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1973 йил 28 декабрь.

ПОЙТАХТДАГИ «Юлдуз» фирмасининг пешқадам ишчилари Г. Шангараева (юқорида) ва М. Тухбатулина тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилини меҳнат зафарлари билан якунлашяпти. Бу ишлаб чиқариш илғорлари 1974 йил ҳисобига ишлай бошлаганларига анча бўлди. Суратда: фирма илғорлари Г. Шангараева ва М. Тухбатулина.

А. Тўраев фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Шавкатли меҳнати ҳамда 1973 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажаришда ғоят катта муваффақиятларга эришганлиги учун қуйидагиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилсин, **Ленин** ордени ҳамда **«Уроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин:

Антошчук Роман Фомич — А. П. Завенягин номидаги Норильск кон-металлургия комбинатига қарашли «Маяк» кони проходкачилар звеноси бошлиғи, Красноярск ўлкаси.

Гизетдинов Маҳмут Фаттахович — Братск алюминий заводининг катта электролизчиси, Иркутск области.

Жиловский Виктор Дмитриевич — Запорожье титан-магний комбинати печь бош ишчиси.

Коркин Александр Васильевич — В. И. Ленин номидаги Узоқ Шарқ кон-металлургия комбинати проходкачилар бригадасининг бошлиғи, Приморье ўлкаси.

Муҳаммеджанов Бапан — В. И. Ленин номидаги Уст-Каменогорск қўрғошин-рух комбинатининг катодчиси.

Подвигин Вениамин Родионович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати Қалмоққир кони экскаватор машинисти, Тошкент области.

Чекушина Нина Григорьевна — Октябрь революцияси 50 йиллиги номли Балхаш кон-металлургия комбинатига қарашли мис саралаш фабрикасининг катта флотатори, Жезқозғон области.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1973 йил 29 декабрь.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИЛАР

Ўзбекистон давлат ва кооператив савдоси ходимлари беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилини муваффақиятли тугаллаш учун мусобақалашиб, чакана товар оборати йиллик планини 29 декабрда бажардилар. Республика аҳолиси учун планга қўшимча равишда камида 60 миллион сўмлик ҳар хил мол сотилади.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети қишлоқ хўжалик ходимларининг 1973 йилда дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқиб, шу масала юзасидан қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети шу қарорда таъкидлайдиларки, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчилари, хўжаликларнинг мутахассислари ва раҳбарлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1973 йилда дон, пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзавот ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Кўпчилик колхоз ва совхозлар тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планларини ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини ишлаб чиқариш маданиятини оширишга, ердан, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва химиялаш воситаларидан, мелиорациядан, фан ва илғор тажриба ютуқларидан — тармоқни Коммунистик партия ўртага қўйган вазифаларга мувофиқ равишда жадал ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан самарали фойдаланишга сафарбар қилиш соҳасида зўр сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бордилар. Бу эса 1973 йил деҳқончилигида юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун ҳал қилувчи шарт-шароит бўлди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети мўл ҳосил етиштирган, дон, деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ва ем-хашак тайёрлаш юзасидан белгиланган планларни ва олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга эришган колхозчилар ва совхозлар ишчиларининг, қишлоқ хўжалиги барча меҳнатчиларининг фидокорона меҳнатини юксак баҳолайдилар, саноат, транспорт, тайёрлов ташкилотлари ходимлари, ҳарбий бўлинмалар, студентлар дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлашда актив қатнашганликларини қайд қиладилар, партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органлари 1973 йилда қишлоқ хўжалигидаги мусобақага раҳбарлик қилиш соҳасида ҳар томонлама ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликларини муносиб баҳолайдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1973 йилда дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қуйидаги иттифоқдош ва Автоном республикалар, ўлкалар, областлар ва районлар ғолиб чиққан деб ҳисоблайдилар ҳамда уларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кизил байроқлари билан пул мукофотларини топширадилар.

А. **ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР**

РСФСР
Украина ССР
Белоруссия ССР
Ўзбекистон ССР
Қозоғистон ССР
Туркманистон ССР
Молдавия ССР
Озарбайжон ССР
Литва ССР
Тожикистон ССР
Қирғизистон ССР

Б. **АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР, ЎЛКАЛАР, ОБЛАСТЛАР**

РСФСРдан: Кабарда-Балқария АССР, Мордва АССР, Чувашия АССР, Краснодар ва Ставрополь ўлкалари, Астрахань, Брянск, Волгоград, Воронеж, Горький, Куйбишев, Ленинград, Липецк, Москва, Пенза, Ростов, Рязань, Саратов, Тамбов, Ульяновск ва Чита областлари;

Украина ССРдан: Днепропетровск, Донецк, Запорожье, Кировоград, Николаев, Одесса, Полтава, Харьков ва Херсон областлари;

Белоруссия ССРдан: Гродно ва Минск областлари;

Ўзбекистон ССРдан: Қорақалпоғистон АССР, Андижон ва Сирдарё областлари;

Қозоғистон ССРдан: Олмаота, Кўкчатов, Шимолий Қозоғистон, Тўрғай ва Целиноград областлари;

Грузия ССРдан: Ажария АССР;

Қирғизистон ССРдан: Ўш области;

Тожикистон ССРдан: Ленинобод области.

В. **РАЙОНЛАР**

РСФСРдан: Олтой ўлкасининг Бурла, Волчиха, Калманка, Михайловский, Смоленск, Совет, Троицкий ва Угловский районлари;

Краснодар ўлкасининг Абинск, Белоглина, Кавказ, Красноармейск, Ленинград, Шовген (Адигей автоном области) районлари;

Красноярск ўлкасининг Минусинск, Ужур, Шарипов ва Оржоникидзе (Хакасия автоном области) районлари;

Ставрополь ўлкасининг Изобильний, Ипатов, Минералние води, Петровский, Советский, Шпаков ва Адигей-Хабльск (Қорачой-Черкасия автоном области) районлари;

Хабаровск ўлкасининг Хабаровск райони;

Архангельск областнинг Приморск райони;

Астрахань областининг Харабали райони;

Белгород областининг Вейделевск ва Ровен районлари;

Брянск областининг Погар райони;

Владимир областининг Суздал райони;

Волгоград областининг Еланский, Жирновский, Камишин, Котово, Котельников, Октябрь, Старая Полтавка ва Чернишковский районлари;

Вологда областининг Вологда райони;

Воронеж областининг Анна, Лискинский, Нижнедевицкий, Россошь районлари;

Горький областининг Красний Октябрь ва Пильна районлари;

Иваново областининг Гаврилово-Посад райони;

Иркутск областининг Иркутск ва Нижнеудинск районлари;

Калининград областининг Гурьевский райони;

Калинин областининг Сандов ва Сонков районлари;

Калуга областининг Киров райони;

Кемерово областининг Ленинск-Кузнецкий ва Промишленная районлари;

Кострома областининг Нерехта райони;

Куйбишев областининг Большая Глушица, Пестравка, Ставрополь ва Сизран районлари;

Курган областининг Кетов, Притобольний ва Шадрин районлари;

Курск областининг Горшеченский ва Касторенский районлари;

Ленинград областининг Всеволожский райони;

Липецк областининг Добринка ва Липецкий районлари;

Москва областининг Дмитровский, Люберци ва Раменск районлари;

Новгород областининг Новгород райони;

Новосибирск областининг Доволенский, Кочкий, Новосибирск ва Татарск районлари;

Омск областининг Калачинский, Любинский, Оконешников ва Тара районлари;

Оренбург областининг Адамовка, Бузулук, Новосергиевка, Саракташ, Соль-Илецк, Сорочинский ва Тоцкий районлари;

Орел областининг Глазуновка ва Ливна районлари;

Пенза областининг Башмаков, Каменка ва Колишлей районлари;

Пермь областининг Пермь райони;

Псков областининг Палки райони;

Ростов областининг Азов, Зерноград, Зиновники, Красний Сулин, Миллеров, Октябрь, Орел ва Сальский районлари;

Рязань областининг Сарай ва Шацкий районлари;

Саратов областининг Балашов, Ершов, Калинин, Маркс, Романов, Самойлов, Хвалинский ва Энгельс районлари;

Сахалин областининг Углогорский райони;

Свердловск областининг Сисерть райони;

Смоленск областининг Рудня ва Хиславичи районлари;

Тамбов областининг Мордов, Моршанский ва Тамбов районлари;

Томск областининг Кожевников райони;

Тула областининг Арсеньев ва Кимов районлари;

Тюмень областининг Заводоуковский ва Исетский районлари;

Ульяновск областининг Старая Кулатка, Ульянов, Цильнинский ва Чердакли районлари;

Челябинск областининг Агаповка, Троицкий ва Чесма районлари;

Чита областининг Калга райони;

Ярославль областининг Гаврилов-Ям райони;

Бошқирдистон АССРнинг Абзелилов, Ишимбай, Кармаскали ва Мелнуз районлари;

Бурятия АССРнинг Баргузин райони;

Доғистон АССРнинг Қизлар районлари;

Кабарда-Балқария АССРнинг Прохлодний райони;

Қалмоқ АССРнинг Городовиков райони;

Карелия АССРнинг Сортавала шаҳар ижроия комитети;

Мари АССРнинг Горномариский райони;

Мордва АССРнинг Ардатов ва Ичалковский районлари;

Шимолий Осетия АССРнинг Киров райони;

Татаристон АССРнинг Апастов, Буинский ва Дрожжановский районлари;

Тува АССРнинг Пий-Хем райони;

Чечен-Ингуш АССРнинг Шали райони;

Чувашия АССРнинг Комсомол ва Порецкий районлари;

Украина ССРдан: Волин областининг Маневичи райони;

Ворошиловград областидан Антрацит ва Лутугин районлари;

Днепропетровск областидан Днепропетровский, Магадалиновка, Межевая ва Новомосковский районлари;

Донецк областининг Новоазовский, Старобешев ва Тельман районлари;

Житомир областининг Бердичев ва Житомир районлари;

Закарпатье областининг Иршава райони;

Запорожье областининг Веселий, Запорожье, Каменка-Днепровская, Михайловка ва Приморский районлари;

Иваново-Франковск областининг Городенка райони;

Киев областининг Борисполь, Рокитнян ва Фастов районлари;

Кировоград областининг Долинский, Компанеевка, Петров ва Ульянов районлари;

Қрим областининг Жанкой, Киров ва Ленин районлари;

Львов областининг Бусс райони;

Николаев областининг Братский, Николаев, Новий Буг ва Очаков районлари;

Одесса областининг Белгород-Днестр, Беляевка, Великая Михайловка ва Раздельная районлари;

Полтава областининг Глобин, Карловка, Семиновка ва Хорол районлари;

Ровно областининг Владимирец райони;

Суми областининг Великая Писаревка ва Шостка районлари;

Харьков областининг Изюм, Краснокуцкий, Новая Водолага ва Сахновщчина районлари;

Херсон областининг Белозерка, Берислав, Нововоронцовка ва Новотроицкий районлари;

Хмельницкий областининг Славута райони;

Черкасси областининг Смела, Черкасси ва Чернобай районлари;

Чернигов областининг Борзна ва Мена районлари;

Черновици областининг Новоселица райони;

Белоруссия ССРдан: Брест областининг Ляховичи ва Столин районлари;

Витебск областининг Докшици ва Постави районлари;

Гомель областининг Брагин ва Добруш районлари;

Гродно областининг Воронов ва Кореличи районлари;

Минск областининг Молодечно, Слуцкий ва Солигорский районлари;

Могилев областининг Киров ва Метиславл районлари;

Ўзбекистон ССРдан: Андижон областининг Ленин ва Пахтаобод районлари;

Бухоро областининг Вобкент райони;

Қашқадарё областининг Қарши райони;

Наманган областининг Чуст райони;

Самарқанд областининг Пахтачи райони;

Сурхондарё областининг Жарқўрғон райони;

Сирдарё областининг Жиззах ва Пахтакор районлари;

Тошкент областининг Оққўрғон райони;

Фарғона областининг Қува ва Ленинград районлари;

Хоразм областининг Қўшкўпир райони;

Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткул райони;

Қозоғистон ССРдан: Актюбинск областининг Ленин райони;

Олмаота областининг Или райони;

Шарқий Қозоғистон областининг Зиряновск шаҳар ижроия комитети;

Қарағанда областининг Нури райони;

Қизил Ўрда областининг Жалағаш райони;

Кўкчетов областининг Арқабалиқ, Куйбишев ва Рузаевка районлари;

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ ГРЭСи коллективи электр энергияси ишлаб чиқаришда «Ўзбекэнерго» коллективлари ўртасида етакчи ўринлардан бирида туради. Зуҳриддин Муҳиддинов мана бир неча йилдирки энергоблокда катта машинист вазифасини бажариб келмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори меҳнатда ҳам, ҳаётда ҳам ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Суратда: З. Муҳиддинов.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

◆ БЕКОБОД районидаги 2-«Далварзин» совхози далаларида шўр ювиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Улар келгуси йилда ҳар гектардан 35 центнердан ҳосил етиштиришга ваъда қилишди. Ҳозир далаларда келгуси ҳосилни кўзлаб кузги-қишки тадбирлар амалга оширилмоқда. Суратда: совхоз пахта далаларида шўр ювиш пайти.

Қ. Розиқов. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Боши 1-бетда).

Кустанай областининг Комсомолец ва Урицкий районлари;

Павлодар областининг Иртиш райони;

Шимолий Қозоғистон областининг Возвишенка ва Совет районлари;

Семипалатинск областининг Бородулиха райони;

Толдиқўрғон областининг Киров райони;

Тўрғай областининг Жақси райони;

Урал областининг Бурлин райони;

Целиноград областининг Алексеевка, Ерментов районлари; Чимкент областининг Сайрам райони;

Грузия ССРдан: Абаша, Гори, Махарадзе, Хоби ва Цител-Цкаро районлари;

Озарбайжон ССРдан: Ленкоран, Нефтечали, Пушкин, Сальяни ва Шемаха районлари;

Литва ССРдан: Клайпеда, Купишкис, Радвилишкис, Рокишкис, Швенченис районлари;

Молдавия ССРдан: Григориопол, Слободзе, Суворов, Унгени, Фалешти ва Чадир-Лунга районлари;

Латвия ССРдан: Даугавпилс, Добеле ва Рига районлари;

Қирғизистон ССРдан: Москва, Соқулуқ ва Тохтағул районлари;

Тожикистон ССРдан: Пархор, Шаҳритуз, Пролетар ва Хўжанд районлари;

Арманистон ССРдан: Ахурян, Масиси ва Талин районлари;

Туркманистон ССРдан: Байрамали, Кўҳна Урганч ва Чоржўй районлари;

Эстония ССРдан: Пигева ва Пайде районлари.

187 колхоз, совхоз ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг пул мукофотлари билан бирга Қизил байроқлари билан мукофотланди. Шу жумладан:

РСФСРдан 87 та, Украина ССРдан 39 та, Белоруссия ССРдан 11 та, Ўзбекистон ССРдан 6 та, Қозоғистон ССРдан 10 та, Грузия ССРдан 5 та, Озарбайжон ССРдан 4 та, Литва ССРдан 6 та, Молдавия ССРдан 3 та, Латвия ССРдан 4 та, Қирғизистон ССРдан 2 та, Тожикистон ССРдан 2 та, Арманистон ССРдан 3 та, Туркманистон ССРдан 2 та, Эстония ССРдан 3 та колхоз, совхоз ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари бор.

Улар орасида **Ўзбекистон ССРдан** қуйидагилар мукофотланди:

Наманган область Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз;

Сурхондарё область Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхози, Денов районидаги «Хазарбоғ» совхози;

Сирдарё область Жиззах районидан Ленин орденли «Москва» колхози;

Тошкент область Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози;

Хоразм область Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Н. Наримонов номли колхоз;

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари ҳамда мутахассисларига 1973 қишлоқ хўжалик йили якунларини чуқур анализ қилишни, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан илғор хўжаликлар ва районларнинг тажрибасини умумлаштиришни, уларнинг иш усуллари ва методларини оммалаштиришни, бунинг учун радио ва телевиденнедан, вақтли матбуотдан ҳамда оммавий пропаганда ва ахборотнинг бошқа воситаларидан кенг фойдаланишни, орқада қолаётган хўжаликлар фаолиятини оширишни, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришда, олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда уларга доимий ёрдам беришни таклиф қилдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққан республикалар, ўлкалар, областлар, районларнинг қишлоқ хўжалик ходимларини, колхозлар, совхозларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг коллективларини, шунингдек, мусобақада қатнашган ҳамма кишиларни қизғин табриклайдилар, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари эришилган маррада тўхтаб қолмайдилар, 1974 йилда ва шундан кейинги йилларда дон, пахта, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум, жун ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планларини, олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, эришилган натижаларни мустаҳкамлаб, бу маррадан ҳам ўзиб кетадилар, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажаришга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ва 1973 йилда пахта, дон сабзавот ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни бажаришда меҳнатда жасорат кўрсатганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдиева Гулжаҳон — Оққўрғон районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Абдувоитов Саттор — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз звено бошлиғи.

Абдувалиев Абдуғани — Тошкент область боғ-виночилик совхозлари трести бошқарувчиси.

Абдувалиев Сайдулла — Бўка районидаги Ильич номли колхоз тракторчиси.

Абдуҳакимова Ойимхон Абдумажидовна — меҳнаткашлар депутатлари Калинин район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош экономисти.

Абдуллаев Сандвали Солибоевич — Оққўрғон район Куйбишев номли колхоз раиси ўринбосари.

Абдурахмонов Исмоил — Бекобод районидаги 4-«Далварзин» совхози ишчиси.

Абдуллаева Насиба — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Абдуллаева Карима — Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози звено бошлиғи.

Абдуллаева Башор — Чиноз районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Абдурахимова Шакар — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси.

Абдурахмонов Айтбой — Янгийўл район «Партия XXI съезди» колхози звено бошлиғи.

Абдурахмова Зера — Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхози ишчиси.

Абдурахмонов Ўринбой — Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози бош агрономи.

Абдурахмонова Нурия — Оққўрғон районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Абдурахмонов Бобоқул — Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз звено бошлиғи.

Обидов Шариф — Калинин районидаги Собир Раҳимов номли колхоз бош бухгалтери.

Обилова Инобат — Оржоникидзе район Киров номли колхоз аъзоси.

Абитова Бошар — Юқори Чирчиқ район «Политотдел» колхози аъзоси.

Аблаёров Ўтбосар — Юқори Чирчиқ район «Паркент» совхози бўлим бошқарувчиси.

Аблякимов Сейдали — «Ташобгелиоводстрой» қурилиш бошқармаси 2-механизациялашган кўчма колоннаси бульдозер машинисти.

Абханова Дония — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзоси.

Аъзамов Акром — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» газетасининг редактори.

Азаматов Жўрабой — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз бригада бошлиғи.

Азимова Робия — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Азимов Сапар — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози тракторчиси.

Айвазов Илёс — Оққўрғон районидаги «Москва» колхози звено бошлиғи.

Айдарқулов Абдуҳолиқ Абдурахмонович — «Ўзсельхозтехника» Бўстонлиқ район бирлашмасининг бошқарувчиси.

Ойдинова Шуша — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Айтқулов Давлат Албекович — Калинин район халқ контроли комитети раиси.

Ойсорнев Ўрозбой — Оҳангарон район 2-«Оҳангарон» совхози тракторчиси.

Акбаров Адҳам — Меҳнаткашлар депутатлари Ўрта Чирчиқ район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош инженери.

Акимов Нури — «Ўзсельхозтехника» Бўка район бирлашмасининг слесари.

Алимбоева Назира — Пискент районидаги Тельман номли колхоз звено бошлиғи.

Олимжонов Маъмур — Оржоникидзе район «Правда» колхозининг бригада бошлиғи.

Омонбоев Абсаттор Тешабоевич — Меҳнаткашлар депутатлари Оққўрғон район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи.

Омонлиқов Маматкарим — Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози ишчиси.

Аметов Межид — Бекобод район ремонт заводи ишчиси.

Ананьин Владимир Николаевич — Ўзбекистон КП Оҳангарон район комитетининг иккинчи секретари.

Анорбоева Қолдигул — Оржоникидзе район «Октябрь» колхози аъзоси.

Аракелян Бабкен Амаякович — Тошкент область пахтачилик совхозлари трести директори.

Арбузов Анатолий Яковлевич — Ўрта Чирчиқ район суғориш системалари бошқармасининг бош инженери.

Орзиқулова Холиса — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Орипова Ойша — Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Ортиқов Раҳмат — Бўка район «Ленин йўли» колхози тракторчиси.

Ортиқов Илҳомжон — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози бош агрономи.

Асанов Ермекбой — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Асқарова Мукамбар — Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

Асқаров Соли — Оққўрғон районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.

Асланов Усмон — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Отабоев Тўрабек — Оққўрғон районидаги Волков номли совхоз ишчиси.

Отахонов Бобохон — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози звено бошлиғи.

Афанасьев Владимир Иванович — Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг Ўрта Чирчиқ районидаги ўқув хўжалиги директори.

Аҳмедов Анвар Ғозихонович — Бўка район «Пахтакорлар овози» газетасининг редактори.

Аҳмедов Қўчқор — Ўзбекистон КП Бекобод район комитети бўлим мудири.

Аҳмедов Сейдан — Юқори Чирчиқ район Карл Маркс номли колхоз бош агрономи.

Аҳмедов Туроб — Калинин районидаги 2-«Назарбек» совхози бригада бошлиғи.

Аҳмедов Ҳасан — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз звено бошлиғи.

Аҳмедов Ийлдош — Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози директори.

Аҳмедова Каримахон — Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ишчиси.

Аҳметова Баланм Абдуллаевна — Оққўрғон районидаги «Заря коммунизма» колхози аъзоси.

Аҳролов Маҳамат — Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози бригада бошлиғи.

Оқназаров Абдуллажон — Калинин районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Очилов Раҳмат — Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз тракторчиси.

Аширов Сайфулла — Оржоникидзе районидаги «Химик» совхози ишчиси.

Аширқулова Очил — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Аширқулов Юсуфали — Бекобод районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози ишчиси.

Бабак Ирина Автономовна — Тошкент область статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Бозорбоев Раҳмонқул — Бекобод раойнидаги «Победа» колхози участка мудири.

Бойميرзаев Қўчқор — Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз раиси.

Бойбекова Лазокат — Калинин районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Бойназаров Эгамберди — Меҳнаткашлар депутатлари Чиноз район Совети ижроия комитетининг қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи.

Байрамов Исмоил — Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг бўлим бошқарувчиси.

Бойсунов Қурбон — Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози аъзоси.

Боқижонова Зарифа — Калинин районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси.

Болғабоев Рақиш — Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз аъзоси.

Баранова Дилбар — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Баратова Марафат — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

Баратова Танга — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози аъзоси.

Баҳодиров Учқун Яҳёевич — Меҳнаткашлар депутатлари Оққўрғон район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош инженери.

Бегнева Гуландом — Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди колхози аъзоси.

Бегматов Мамасоли — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози раиси.

Бекбоев Уммат — Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз бош бухгалтери.

Бекенов Кукен — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз тракторчиси.

Бекирова Ҳожар — Пискент районидаги Тельман номли колхоз аъзоси.

Бекмуродова Зеби — Пискент районидаги «Гулистон» колхози аъзоси.

Бердиқулова Назира — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Бийтўраев Нормат — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Бузруков Улуғ — Меҳнаткашлар депутатлари Чиноз район Совети ижроия комитетининг раиси.

Булгакова Хатидже Халиловна — Пискент районидаги Ангрен каналлари группаси бошқармасининг инженер-диспетчери.

Бўронов Дамин — Бўка районидаги Жамбул номли колхоз тракторчиси.

Буртабоева Мейргул — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Бурхонова Ҳабиба — Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози ишчиси.

Бўсинов Сайдали — Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.

Вайман Абрам Герш Иосифович — «Ўзсельхозтехника»нинг Калинин районидаги районлараро бирлашмаси бошқарувчиси.

Валиев Абдуҳамид — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

Валиев Махамат Сандович — Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз тракторчиси.

Варасов Анатолий Андреевич — Ўзбекистон КП Бўка район комитетининг иккинчи секретари.

Ваққосов Муҳамед — Ўрта Чирчиқ районидаги ғалла маҳсулотларини реализация қилиш базасининг директори.

Ваҳобов Иловиддин — Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз звено бошлиғи.

Ғадойхўжаев Мақсудхўжа — Янгийўл районидаги Свердлов номли совхоз бригада бошлиғи.

Ғозиева Қарши — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози ишчиси.

Ғафуров Абдумуса — Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози инженери.

Геник Артур Райнгольдович — қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий текшириш институтининг Янгийўл районидаги экспериментал хўжалиги бригада бошлиғи.

Герасимов Петр Фёдорович — «Ташводстрой» трестининг скрепер машинисти, Бекобод райони.

Гибадуллин Владимир — Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз тракторчиси.

Голов Мамет — Пискент районидаги Вахрушев номли совхоз ишчиси.

Гребенская Мария Ильинична — Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтининг бўлим мудири, Калинин райони.

Григорянц Арам Агаллович — Тошкент область «Сортсемовощ» бирлашмаси бошлиғи.

Давлетов Маҳкам — Ўрта Чирчиқ районидаги Кучлик пахта тайёрлаш пунктининг мудири.

Давронов Олег Солиевич — Тошкент область сув ҳавзалари инспекцияси бошлиғи.

Дадабоев Сирожиддин Эрматович — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози тракторчиси.

Даминов Раим — Калинин районидаги «Тошкент» совхози ишчиси.

Даминова Гулжон — Калинин районидаги 1-«Тошкент» совхози ишчиси.

Довулбоев Аким — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.

Деревянко Иван Яковлевич — Ўзбекистон КП Калинин район комитетининг иккинчи секретари.

Деҳқонбоев Пўлат — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз тракторчиси.

Жабборова Раҳима — Меҳнаткашлар депутатлари Назарбек қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси, Калинин райони.

Жавақов Эдуард Левонович — Ўзбекистон КП Тошкент область комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Жахсилиқова Турғангул — Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Жалилова Назира — Калинин районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Жонабоев Барат — Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Жангабоев Аҳмад — Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Жафарова Наргиз — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоси.

Жиналиев Сервер — Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг звено бошлиғи.

Жумабоева Замира — Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз аъзоси.

Жумақулов Раҳматулла Турмонович — Янгийўл район Назарали Ниёзов номли колхоз раиси ўринбосари.

Жумасаева Авагул — Оққўрғон районидаги Волков номли совхоз ишчиси.

Жўраев Олим — Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози раиси ўринбосари.

Жўраев Қосим — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз раиси ўринбосари.

Жўраев Сафар — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бош агрономи.

Допродис Василис Анастас — Чиноз районидаги «Олмазор» совхози бригада бошлиғи.

Дубинский Молот Харитонович — Тошкент область «Ташкентская правда» газетаси бўлим мудири.

Дурсунов Насип — Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз бригада бошлиғи.

Дўсматов Ранмқул — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Елибоева Жибек — Меҳнаткашлар депутатлари Арғанча қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси, Юқори Чирчиқ райони.

Жонзоқов Ермек — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз тракторчиси.

Жўраев Амир — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози тракторчиси.

Зокиров Холмурот — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози ишчиси.

Зокиров Раззоқберди — Пискент районидаги Калинин номли колхоз бош агрономи.

Зародин Сергей Степанович — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози бош агрономи.

Зоҳидов Акром — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

Зиганшина Сония — Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхози аъзоси.

Зимина Надежда Ивановна — Пахтачилик илмий-текшириш институти катта илмий ходими, Оржоникидзе райони.

Зияев Ҳаким — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози бригада бошлиғи.

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг 27, 28 декабрь сонларида).

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИ ВА ҚАРДОШЛИГИ

Бундан 51 йил муқаддам ССР Иттифоқи Советларининг I съезди совет республикаларининг эркин хоҳиш-иродасини ифодалаб, СССР ни ташкил қилиш тўғрисидаги Декларацияни бир овоздан қабул қилган ва бинобарин ваколатли делегатлар томонидан СССРни ташкил этиш тўғрисида тузилган Шартномани тасдиқлаган эди. Ўшандан бери 30 декабрь ҳақли равишда халқларимизнинг дўстлик ва қардошлик куни, социалистик интернационализм байроми сифатида кенг нишонланиб келади.

Инсоният тарихида интернационализм принципларига асосланган биринчи кўп миллатли давлат — ССР Иттифоқининг ташкил этилиши ижтимоий тараққиётда янги даврни бошлаб берган Улуғ Октябрь ишининг бевосита давоми, эркин миллатларнинг ихтиёрий иттифоқи тўғрисида ленинча ғояларнинг, илмий асосланган миллий сиёсатнинг амалдаги мужассами ва тантанаси бўлди.

ССРнинг ташкил этилиши Улуғ Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, яъни социалистик хўжаликни яратиш, мамлакатнинг барча халқлари бахт-саодати йўлида ижтимоий меҳнат тақсимотини рационал йўлга қўйиш ва табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, меҳнаткашлар орасида фаровонликни тўхтовсиз ошириш, барча миллатлар ва элатлар маданиятини ҳар томонлама равнақ топтириш учун кенг имкониятлар очиб берди.

ССР Иттифоқининг ярим асрдан ортиқ тарихи — Совет Социалистик давлати доирасида бирлашган барча халқлар бузилмас бирлиги ва дўстлигининг қарор топиши ҳамда мустаҳкамланиши тарихидир. Бу — жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири — Совет давлатининг мисли кўрилмаган даражада ўсиши ва ҳар томонлама ривожланиши тарихидир. Бу — шу давлат ғолиб байроғи остида жипслашган барча қардош республикаларнинг, мамлакатимизда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг вояга етиши ҳамда иқтисодий-сиёсий ва маданий жиҳатдан чинакам равнақ топиши тарихидир.

Ишчи ва деҳқонларнинг кўп миллатли давлатини барпо этишда В. И. Ленининг тарихий роли беқиёсдир. У марксизмнинг давлат тўғрисидаги таълимотини ҳар томонлама ривожлантирди, миллий масала назариясига бебаҳо ҳисса қўшди, Октябрдан сўнг Совет республикалари тажрибасини чуқур ўрганиб, кўп миллатли Совет Иттифоқи давлатини ташкил этишнинг асосий принципларни белгилаб берди.

СССР ташкил этилганидан бери халқимиз ўз коммунистик партияси раҳбарлигида мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган, кўлами, суръатлари ва моҳияти жиҳатидан мисли кўрилмаган социал тадбирларни амалга оширди. Совет Иттифоқи асрий қолоқликни бартараф қилиб, дунёнинг қудратли индустриал давлатига, прогрессив инсониятнинг авангардига айланди. СССРда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги Ленин партияси раҳнамолигида совет халқи амалга оширган қаҳрамонона ишларнинг асосий якуни бўлди.

Кўп миллатли, жипс ва монолитликда тенги йўқ совет халқининг куч-ғайрати билан ягона давлат плани асосида тараққий этаётган, ўзаро боғланган, қудратли социалистик экономика яратилди. Бу экономика айрим республикалар ва областлар экономикасининг оддий арифметик йиғиндисидан иборат эмас. У Л. И. Брежнев таъбири билан айтганда, барча миллатлар ва элатларнинг муштарак иқтисодий мақсадлари ҳамда манфаатлари асосида кўпдан бери таркиб топган ягона хўжалик организмидир.

Ҳозирги замон совет халқ хўжалиги ўзининг янги, улкан миқёслари билан характерланади. Яратилган миллий даромад ҳажми 1972 йилга келиб 1922 йилдагига қараганда 109 марта кўпайди, саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 320 баравар ортди. Агар 1913 йилда ўша даврда жаҳон ишлаб чиқаришида чор Россиясининг ҳиссаси атиги тўрт процентни ташкил этган бўлса, ҳозир Совет Иттифоқи жаҳон саноат маҳсулотининг 20 процентдан ортиқроғини тайёрламоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг ўзида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга 501 миллиард сўм капитал маблағ сарфланади. Бу Совет ҳокимиятининг дастлабки 45 йили мобайнида сарфланган маблағнинг умумий суммасидан ҳам ортиқдир.

СССРда 51 йил мобайнида ўзининг мазмуни, ривожининг асосий йўналиши жиҳатидан социалистик, ўзининг миллий шакллар жиҳатидан хилма-хил ҳамда руҳи ва характери жиҳатидан интернационалистик маданият яратилди ва равнақ топди.

Мамлакатда тарихан қисқа муддатда рўй берган туб иқтисодий ва социал-сиёсий ўзгаришлар асосида жамиятимиз сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. Улуғ Ленининг социализм инсоният ҳаётининг янги, олий формаларни ижод қилади, деган башорати рўёбга чиқди. Мамлакатимизда одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди. Одамларнинг бу барқарор бирлиги ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ҳаётнинг, марксизм-ленинизм идеологияси, ишчилар синфи манфаатлари ва коммунистик идеалларининг бирлиги негизида шакланди. Совет халқи юздан ортиқ миллат ва элатларни ўзида мужассамлантирган интернационал бирликнинг тимсолидир.

РСФСР, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Грузия ва бошқа иттифоқдош республикаларга Халқлар дўстлиги ордени топширишга бағишланган тантанали мажлислар совет халқлари дўстлиги ва интернационал бирлиги тантанасининг, уларнинг Коммунистик партиямиз теварагидаги жипслигининг янги ёрқин намойиши бўлди. Ҳур республикалар ССР Иттифоқини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги, социалистик миллатлар ва элатлар дўстлигини, қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта

СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 51 ЙИЛЛИГИГА

хизматлари учун ҳукуматимизнинг ана шу юксак мукофотига сазовор бўлдилар. Ўзбекистонга бу мукофотни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг топширганлиги республикамиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Интернационализм ва демократик централизм принципларига асосланган кўп миллатли давлатни барпо этиш ҳамда ривожлантириш тажрибаси марксизм-ленинизмнинг миллий масала фақат жамиятни социалистик жиҳатдан қайта қуриш асосидагина ижчил ҳал этилиши мумкин, деган хулосасини тўла-тўкис тасдиқлади. Партиямиз миллий чекка ўлкаларнинг амалдаги иқтисодий, маданий ва социал-сиёсий қолоқлигини тугатиш тадбирларини изчил амалга ошириб, мамлакатнинг нисбатан ривожланган районларининг қолоқ районларга ёрдамини уюштирди. Бунда рус халқи, унинг ишчилар синфи кўрсатган ёрдами — интернационалистик жасорат ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ана шу ва бошқа қаҳрамонона ишлар натижасида миллий масала тўла-тўкис ва узил-кесил ҳал этилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, бу — СССРда янги жамият қуришда индустрлаштириш, коллективлаштириш маданий революция сингари ғалабалар билан ҳақли равишда бир қаторга қўйиш мумкин бўлган ютуқдир.

КПССнинг ленинча миллий сиёсатини оғишмай амалга ошириши туфайли мамлакатимиздаги бир қанча миллатлар тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб ўтиб, Ленин кашф қилган йўлдан — социализм қуриш йўлидан тараққий этдилар. Бунинг энг ибратли мисоли тариқасида бугунги Совет Ўзбекистонимизни кўз олдига келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон ягона, эркин, интернационал оила — ССР Иттифоқига ўз ихтиёри билан кирганидан бери бу диёрда ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатидан мисли кўрилмаган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ўзгаришлар содир бўлди. Ўтмишда қолоқ ва деярли саводсиз, ишлаб чиқариш ибтидоий ўлка, феодал бойлар истибдоди ҳукмрон бўлган ва меҳнаткашларга рўшнолик насиб этмаган ўлка Совет ҳокимияти йилларида Шарқда машъал социалистик Ўзбекистон бўлиб қайтадан дунёга келди.

Бугунги Ўзбекистон юздан ортиқ саноат тармоғини ўз ичига олувчи 1300 та йирик корхонага эга бўлган юксак индустрия республикасидир. Қишлоқ хўжалиги эса юксак даражада механизациялашгани билан характерлидир.

Республикада чинакам маданий революция амалга оширилди. Ҳозир бу диёрнинг 9 мингдан ортиқ умумий таълим мактабида 3,4 миллионга яқин ўқувчи, 2 университет ва 38 институтда 280 мингдан зиёд студент, 173 та махсус ўрта ўқув юртида 170 минг йигит ва қиз шуғулланмоқда. Ҳар минг кишига тўғри келадиган олий ўқув юрти студентлари сони жиҳатидан Ўзбекистон Англия, Франция, ГФР, Австрия, Япония, Италия ва Ғарбдаги бошқа кўпгина давлатларни орқада қолдириб кетган. Республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга ўз билим ҳамда талантларини бағишлаётган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар 622 минг кишини ташкил этади.

Барча иттифоқчи республикалар, шу жумладан Ўзбекистонимиз экономика ва маданиятни равнақ топтиришда эришган зафарлар совет халқи қардошлик ошиқлигининг меҳнати ва бегараз ёрдами билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистонда ривожланган социалистик жамият қуриш тарихи бошдан-оёқ совет халқларининг қардошларча ҳамкорлиги, бирликда меҳнат қилиши ва бегараз ёрдамлари тарихидан иборатдир. Шу боисдан ҳам, республика меҳнаткашларининг қалбида мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошларча ёрдами ва мададига бўлган қизғин ташаккур, миннатдорчилик алангаси абадий ловуллаб туради.

ССР Иттифоқига бирлашган халқларнинг мустаҳкам иқтисодий алоқалари, хўжалик ҳамкорлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами социализмнинг объектив қонуниятидир. Кўп миллатли социалистик давлатнинг ташкил топиши ва муваффақиятли ривожланганлиги, бу соҳадаги мислсиз тажриба катта халқаро аҳамиятга эгадир. Бу тажриба ҳозирги даврнинг уч асосий революцион кучига: жаҳон социализм системасига, миллий-озодлик ҳаракати ва капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатига катта таъсир кўрсатаётир. Бу тажриба социалистик ғоялар жозиба кучини оширмоқда, социализмнинг сиёсий ва социал-иқтисодий жиҳатдан шак-шубҳасиз афзаллиқларини ёрқин намойиш қилмоқда. Айни замонда бу тажриба ҳозирги даврнинг зарур проблемаларини ҳал этишга капитализм ожиз эканлигини кўрсатиб турипти.

Турмушнинг ҳамма жабҳаларида кўп миллатли советлар мамлакати эришган мислсиз зафарлар коммунистик партиямиз фаолиятининг, кенг кўламдаги ташкилий-сиёсий ишларнинг самарасидир. Совет Иттифоқимиз ўзининг 51 йиллик юбилейини, қардош республикалар аҳли оиласининг шонли дўстлик байрамини КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш йўлида совет халқининг меҳнат ғайрати, сиёсий активлиги ҳар қачонгидан ҳам юксалган, ижодий кучлари барқ урган вазиятда нишонлади. Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь (1973 йил) Пленуми қарорини, СССР Олий Совети еттинчи сессияси қарорларини зўр ҳурсандчилик билан кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумда сўзлаган нутқида беш йилликнинг белгиловчи йили бўлган 1974 йилги халқ хўжалик планини бажариш, халқ хўжалигини, маданиятни ва меҳнаткашлар фаровонлигини янада юксалтириш йўллари ва методлари тўғрисида принципиал қоидаларни белгилаб берди, партия ва давлатимизнинг ҳозирги босқичдаги ташқи сиёсий фаолиятининг энг муҳим масалаларини тавсифлаб берди.

Халқлар интернационал бирлигининг, эркин ва ихтиёрий иттифоқининг тимсоли - Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг 51 йиллик шонли йўли мамлакатимизга турмушнинг ҳамма соҳаларида мислсиз зафарлар келтирди. Истиқболда бундай зафарлар яна ҳам салмоқли ва чуқур мазмунли бўлади.

КПСС раҳнамо бўлган совет ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлилар мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини, Тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун кураш программасини муваффақиятли амалга оширмоқ учун бундан буён ҳам илҳом ва шижоат билан меҳнат қилаверадилар.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
тарих фанлари кандидати.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАҚА № № 133

ХАЛҚ контроли органлари Совет социалистик демократияси системасида муҳим ўрин олади, деган эди КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев партия XXIV съездида қилган ҳисобот докладида. Ҳозирги вақтда миллионларча ишчилар, колхозчилар, хизматчилар бу органларнинг ишида қатнашмоқдалар. Партия кенг омманинг доимий ва амалий таъсирчан контролн тўғрисидаги ленинча ғояларни оғишмай амалга ошириш ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверади.

Халқ контроли комитетлари, группалари ва постлари хўжалик вазифаларини муваффақиятли амалга оширишда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва илмий-техника тараққиётини тезлаштиришда давлат интизомини мустаҳкамлаш ва бошқарув аппаратларини такомиллаштиришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Меҳнаткашлар коллективлари томонидан икки йиллик муддат билан сайланиб қўйиладиган халқ контроли группалари ва постлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Бугунги кунда улар ўзлари бажарган ишлар ҳақида коллектив олдида ҳисоб бермоқдалар. Ишчанлик вазиятида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларда назоратчилар тўплаган тажрибалар умумлаштирилмоқда, йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост танқид қилинмоқда, группа ва постларнинг бундан буёнги ҳаракат режалари белгилаб олинмоқда.

Яқинда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент иссиқлик электр станцияси халқ контроли группасининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда группа раиси, катта мастер В. Ф. Загвоздин сўнгги икки йил давомида ставция назоратчилари бажарган ишлар ҳақида ҳисоб берди. Ҳисобот доклади ни муҳокама қилишда 2-қозон цехи бошлиғи В. Меликисянц, иссиқлик контроли ва автоматика цехи слесари М. Исмонлов, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи В. Аносов, техника хавфсизлиги бўлими инженер-инспектори З. Тарасова, станция директори Н. Абдураҳмонов ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар. Нотиқлар назоратнинг изчиллигини таъминлаш, группа жанговарлиги ва рейдлар таъсирчанлигини ошириш, жамоатчилар активлигини ўстириш юзасидан, конкрет таклифларни ўртага ташладилар. Улар фикрини биз ушбу саҳифада кенг баён этдик.

Конференцияда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари И. Е. Арнаутов нутқ сўзлади.

Конференцияда область халқ контроли комитети раиси А. И. Икромов иштирок этди.

Конференцияда Тошкент иссиқлик электро станцияси халқ контроли группасининг янги состави сайланди.

Тошкент ГРЭСи цехларида меҳнат қилаётган илғор энергетикларнинг кўпчилиги халқ контроли группаси ва постларига аъзодир. Жамоатчи ишчилар ишлаб чиқаришдан қўллари бўшади дегунча группа топшириғи билан рейдлар ва текширувлар ўтказишга киришадилар. Улар ҳар бир агрегатнинг узлуксиз ишлаши, материал ва хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш, кўплаб ва арзон энергия ҳосил қилиш устида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Текширув якунлари группа ва постлар йиғилишида муҳокама қилиниб аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Суратда: электроцех назоратчиларидан М. Галямнский (чапдан), Б. Ғофурбеков, В. Козиренко, М. Шафранов, Н. Абибуллаев ва Н. Жўлмирзаев ўртоқлар навбатдаги рейд олдидан ўзаро маслаҳатлашиб олишяпти.

С. Мақсудов фотоси.

ХАЛҚЧИЛ ВА ИЗЧИЛ НАЗОРАТ УЧУН

УЛАРНИ сиз ҳамма жойда кўргансиз. Қачон қараманг, корхона ташвиши, одамлар хизмати билан юрган бўлишади. Коллектив катта ишонч билдириб, уларни халқ контроли группасига аъзо қилиб сайлашган. Бу ишончни оқлаш, коллектив ҳурматини қозониш керак. Шу ўй, шу фикр назоратчиларга тинчлик бермайди. Катта ишончга лойиқ иш қилаяпсизми, корхонага, одамларга фойдамиз тегяптими — мана шуларни ўйлаб қадам ташлашади.

1971 йилнинг октябри эди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида Тошкент ГРЭСи халқ контроли группасининг 36 кишидан иборат янги состави сайланди. Улардан ўн киши коммунист, олти киши комсомол аъзоси эди. Назоратчиларнинг ҳаммаси катта ишончга муносиб, малакали кишилар. Олти киши олий маълумотли, 22 киши ўрта махсус маълумотли мутахассиздир. Катта мастер В. Ф. Загвоздин группа раиси қилиб тасдиқланди.

Группа бюроси ишни перспектив план тузишдан бошлади. План станция партия комитети тасдиғидан ўтгач, назоратчилар цехлардаги халқ контроли группалари ва постлари билан ҳамжиҳат бўлиб, дастлабки рейдларга отландилар. Ўша кезларда 5 та цех халқ контроли группаси ва 7 та пост ҳам тузилган эди. Шу тарика 81 киши халқ назоратчиси деган шарафли ном билан станция цехлари ва участкалари бўйлаб ҳаракат қила бошладилар.

Назоратчилар белгилаган вазифалар аниқ ва ҳаётий эди. Улар ўз эътиборларини станциядаги асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг бетўхтов ишлашини таъминлашга, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга, тежамкорлик режимини кўчайтириш ва социалистик мулкнинг дахлсизлигини сақлашга қаратдилар. Ҳар бир назоратчига конкрет участкалар биркитиб қўйилди. Улар олдиндан белгилаб олинган план асосида пухта ҳозирлик билан рейд ва текширувларга киришдилар.

Михаил Носов, Тўлқин Исмоилов, Нина Кожаева, Жаҳонгир Қодирхўжаев каби назоратчилар дастлабки кунларданоқ ўз бурчларини садоқат билан ўтай бошладилар. Актив жамоатчилар рейдларда қатнашиш билан бирга доимо ўз малакаларини ҳам ошира бордилар. Жамоатчиларнинг ҳаммаси иқтисодий билим асослари мактабига жалб этилди. Чунки экономикани пухта билмай туриб, сифатли текширув ва малакали рейд ўтказиш мушкул эди.

Станция халқ контроли группаси бюроси корхонага қўрсатиладиган амалий ёрдам қўламини янада кенгайтириш мақсадида тўртта сектор ташкил этди. Бюро аъзолари мана шу секторларга биркитиб қўйилди. Ишлаб чиқариш, тежамкорлик ва социалистик мулкни сақлаш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, социалистик қонунчилик қоидаларига риоя қилиш бўйича тузилган бу секторларга малакали, тадбиркор коммунистлар бошчилик қилдилар.

Вячеслав Абрамов бошлиқ ишлаб чиқариш сектори аъзолари ҳисобот даврида 9 та рейд ва текширув ўтказдилар. Текширувлар давомида улар давлат планларининг бажарилиши, янги техника ва технологиянинг жорий этилиши, капитал ремонт сифати ва қишга тайёргарликнинг бориши билан алоҳида шуғулландилар.

Станциянинг қишга қандай тайёргарлик кўраётганлигини сектор аъзолари икки марта текширдилар. Текширув давомида тўпланган материаллар станция коммунистларининг йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Биринчи бор текширув ўтказилганда назоратчилар қишлик ёнилғининг камроқ жамланганлигини пайқаб қолдилар. Улар сигнали билан кейин дарров тегишли ташкилотлар ишга киришиб кетдилар ва станцияни етарли миқдорда ёнилғи билан таъминладилар.

Социалистик мулкни сақлаш ва тежамкорлик режимини кучайтиришга кўмаклашувчи секторга 9 назоратчи бирлашган. Ишчан энергетик Тўлқин Исмоилов секторга раҳбарлик қилмоқда. Секция аъзолари ҳисобот даврида 18 та рейд ва текширув ўтказдилар. Текширувлар давомида кўзбўямачи ремонтчилар, асоссиз равишда қўшимча ҳақ олаётган кишилар сири очилиб қолди. Сўнг барча ҳисоб-китоблар қайтадан ўтказилди ва икки минг сўмликдан кўпроқ маблағ жамғариб қолинди.

Назоратчилар ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланишнинг аҳволи билан ҳам яқиндан танишдилар. Сектор аъзолари ёнилғи сарфиётини текшириш давомида бир қатор фойдали тавсияларни ишлаб чиқдилар. Бу тавсияларни амалга ошириш натижасида йил давомида 5515 тонна ёнилғи тежаб қолинди.

Текширувлар давомида баъзи бир қиғир ишлар ҳам чиқиб қолди. Цех бошлиғи Хўжаев кўп йиллардан бери асоссиз равишда фойдаланиш мумкин бўлган материалларни ҳам яроксиз материаллар қаторига қўшиб келаверган эди. Рейдларнинг бирида бу нуқсон очилиб қолди. Станция халқ контроли группасининг бюро мажлисида Хўжаев қилмишлари учун жавоб берди ҳамда тегишли жазосини олди. Шундан сўнг дирекциянинг махсус буйруғи чиқиб, материал ва хом ашёлардан тежаб-тергаб фойдаланишга эътибор янада кучайтирилди.

Омбор мудири Раҳимовнинг фаолияти ҳам назоратчиларни қизиқтириб қолди. Олдинига Раҳимов келган материалларни тартиб билан жойлаштиришга ва уларнинг ҳисоб-китобига эътибор билан қарар эди. Аммо кейинги пайтда омборда тартибсизликлар авжига чиқиб кетди. Қаерда қандай материал борлигини ҳатто омбор мудирининг ўзи ҳам билмай қолди. Назоратчилар рейд давомида омбордаги хўжасизликни бирйўла фотоплёнкага ҳам тушириб олдилар. Сўнг бу расмлар халқ контроли ойнасида пайдо бўлди.

Танқиднинг кучи дарров сезилди. Орадан кўп ўтмай омборда корхона мулкини намунали сақлаш юзасидан шошилинч тадбирлар амалга оширилди. Бундан кейин маъмурият ҳам, ишчилар ҳам хурсанд бўлишди.

Бошқа секторлар ўтказган рейдлар ҳам самарали бўлаяпти. Кейинги пайтда станцияда назоратчилар таклифи билан техника хавфсизлиги ойлиги ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Техника хавфсизлигини бузаётган кишилар ҳалқ контроли ойнасида танқид қилинмоқда, тартибга чақирилмоқда. Ҳозир техника хавфсизлигини кучайтириш юзасидан икки-уч йилга мўлжалланган планлар тузиб чиқилган. Планга кирган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлигини назоратчилар доимо кузатиб турибдилар.

Назоратчилар фақат план асосида эмас, балки ишчи ва хизматчилардан тушаётган сигналлар бўйича ҳам рейдлар ўтказмоқдалар. Группа номига тушган шикоятларнинг бирида Барнаул трактор заводи станцияга бошқа маркадаги агрегатни юборганлиги маълум қилинган эди. Группа аъзолари дарҳол шикоят бўйича Барнаул трактор заводи билан боғландилар. Маълум бўлишича, завод Ўрта Осиё учун юборилган тракторлар, накладнойини алмаштириб юборган экан. Назоратчилар талаби билан чалкашлик тез орада тўғриланди ва станция ўзи учун керак бўлган маркадаги тракторга эга бўлди. Бундан ташқари, меҳнаткашлар шикояти билан 304-болалар боғчаси иши ҳам текширувдан ўтказилди.

Халқчил ва изчил назорат туфайли корхона коллективи эришаётган ютуқлар қўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Энергетиклар назоратчилар ёрдами билан нур ишлаб чиқариш планларини доимо ортиғи билан адо этиб келмоқдалар.

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

Тошкент ГРЭСининг 12 блоки бир меёрда ишлаб турибди. Улар қуввати билан республика электр энергиясининг учдан бир қисми ҳосил қилинмоқда. Ҳозир электростанция қуввати 1 миллион 920 минг киловаттга етган. Юқори вольтли симлар бўйлаб бетиним оқиб турган электр энергияси шаҳар ва қишлоқларни чароғон қилмоқда, завод ва фабрикаларни харакатлантирмоқда.

ГРЭС коллективи тўқкизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳар қачонгидан ҳам унумли меҳнат қилди. Шу кунгача салкам 9,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиниб, истеъмолчиларга узатилди. Бу кўрсаткич 1970 йилга нисбатан 41 процент кўпдир.

Назоратчи ихтирочилар ва рационализаторлар ғайрати билан корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари тобора яхшиланиб бормоқда. Эндиликда улар тавсиялари асосида яратилган янгиликлар туфайли ҳар бир киловатт-соат электр энергиясини ҳосил қилиш учун 363,9 грамм ёнилғи сарфланмоқда. Бошқача қилиб айтганда ёнилғидан фойдаланишнинг янгича усуллари қўлланаётгандан бери йил давомида 4500 тонна шартли ёнилғи тежаб қолинмоқда.

Изланишлар қўлами йил сайин кенгаймоқда. Назоратчилар ҳар соҳада изланмоқдалар. Кейинги пайтда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, сарфиётларни камайтиришга қаратилган 98 та таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги 11 процент ошди, маҳсулот таннархи арзонлашиб 100 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Станция эҳтиёжи учун ажратилган энергиядан рационал фойдаланиш натижасида 100 миллион киловатт нур тежаб қолинди.

Бу муваффақиятлар ўз-ўзидан келмади. Ишчилар ва инженерлар, халқ контроли группалари ва постлари аъзоларининг тинимсиз меҳнати ва изланишлари натижасида электростанция шуҳрати яна ҳам ошди.

Станция коллективи эришаётган ютуқларга биринчи ва иккинчи қозон цехлари халқ контроли группаларининг аъзолари айниқса кўп ҳисса қўшмоқдалар. Улар маълум соҳалар бўйича рейдлар ўтказиб, бир исрофгарчилигига чек қўйдилар, ускуналарнинг бетўхтов ва унумли ишлашини таъминладилар. Электр цехи назоратчилари эса иш вақтидан унумли фойдаланиш устида алоҳида қайғурмоқдалар. Улар иш жараёнини фотосуратларга туширмоқдалар. Вақтдан тўғри фойдаланмаётганлар ўз нуқсонларини шу суратлар орқали кўрмоқдалар ва келажакда камчиликларга барҳам бериб, ҳар бир дақиқани ҳисобга олган ҳолда ишламоқдалар.

Назоратчилар кўраётган тадбирлар туфайли кейинги пайтда ҳар бир киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш учун сарфланадиган ёнилғидан бир ярим граммдан тежалмоқда. Бу рақам кўринишдан кўзга унчалик ташланмасада, аммо, йил давомида, тўмчидан дарё ҳосил бўлганидек, минглаб тонна ёнилғи иқтисод бўлмоқда.

Ҳисобот даврида назоратчилар ўз эътиборларини фақатгина нуқсонларни аниқлашга ва уларни бартараф этиш билан бирга айни пайтда улар камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам ўргандилар. Олдиндан кўрилган профилактик тадбирлар натижасида кейинги икки йил мобайнида интизомсизлар сони кескин камайди, ишда ўвилишлар қисқарди.

ФОЙДАЛИ ТАКЛИФЛАР, ЎРИНЛИ ТАНҚИДЛАР

Докладчи ва музокарада қатнашган нотиқлар назоратчилар эришган ютуқларни алоҳида тилга олиб ўтдилар. Лекин улар фақатгина муваффақиятларни сўзлаб қолмай, айни пайтда ҳисобот даврида бажарилмай қолган вазифаларни ҳам эслатдилар. Бундан буёнги иш режалари устида алоҳида тўхталдилар.

Халқ контроли группаси энг аввало назоратчилар активлигини оширишга эътиборни қаратиши керак. Хисобот даврида Мамонов, Одилова, Миравизов, Царевский каби назоратчилар бирорта ҳам текширувда ёки рейдда қатнашмадилар. Ваҳоланки, станция фаолиятида ҳали камчиликлар оз эмас эди.

Энг аввало капитал ремонт ишлари сифатини талаблар даражасига кўтариш керак. Бундан ташқари буғ ва конденсатлар исрофгарчилиги ҳам кам эмас. Беҳуда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, одамларни сергак туриб меҳнат қилишга ўргатиш лозим. Бу масалалар билан ишлаб чиқариш сектори аъзолари кенгроқ шуғулланишлари зарур эди.

Ҳали ҳам ишчилар маданий-маиший хизмат савиясининг пастлигидан шикоятлар қилиб турибдилар. Ҳисобот даврида назоратчилар бу масала билан бир неча бор шуғулландилар. Аммо, кўрилган тадбирлар самараси сезилмаяпти. Энергетиклар истиқомат қилаётган микрорайондаги магазинларнинг савдо хизмати ҳали ҳам кўнгилдагидек эмас. Харидорлар ҳақидан уриб қолиш, ноёб моллари беркитиб сотиш ҳоллари содир бўлаяпти. Ишлаб чиқариш маданияти ва маиший хизмат билан шуғулланувчи сектор назоратчилари кенг қўламда фаолият кўрсатмаётганликлари учун ҳам мана шундай камчиликлар келиб чиқмоқда.

Янги сайланадиган назоратчилар состави завод касаба союз комитети ишчи контроли комиссияси фаолиятини ҳам вақти-вақти билан текшириб туриши керак. Шу кунгача ишчи контроли комиссияси маълум текширувлар ўтказган бўлишига қарамай улар активлиги ҳамон талаблар даражасида эмас. Умумий овқатланиш корхоналари ва савдо тармоқларида назоратчи ишчилар кам кўринишади. Ким қайси участкага бириктирилганлигини ишчилар яхши билишмайди.

ГРЭС халқ контроли группаси конференциясида цех халқ контроли группалари ва постлари жанговарлигини янада оширишга қаратилган қимматли таклифлар ўртага ташланди. Ҳали ҳам бир қатор цехлардаги группа ва постлар ўз вазифаларига жиддий муносабатда бўлмаяптилар. Текширувлар давомида 2-қозон цехи участкалари да чироқлар эрталаб соат 11—12 гача ёниқ қолаяпти. 1-қозон цехида ҳам чироқларни вақтида ўчириб қўйишга, бу билан маълум миқдордаги энергияни иқтисод қилишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар.

Электр цехида эса кўпгина двигателлар тартибсиз равишда сочилиб ётибди. Капитал қурилиш бўлими, омборлар ва ишлаб чиқариш майдонларидаги тартибсизликлар ҳам кишининг ғашини келтиради. Цех назоратчилари бу камчиликларни кўришса-да, негадир парво қилишмайди.

Сўзга чиққан нотиқлар ускуналар ремонти сифатининг пастлигидан нолиб гапирдилар. «Узбекэнергеремонт», «Средазтеплоизоляция», «Спецремонт» бошқармаларининг усталари ремонтни «мендан кетгунча эгасига етгунча» қабилида бажармоқдалар. Станция назоратчилари улар иши устидан пухта контроль ўрнатмаганлар. Пировардида агрегатлар тез-тез бузилиб иш унумига салбий таъсир етказяпти.

Айрим назоратчилар ҳали ҳам ўз бурч ва вазифаларини яхши билмайдилар. Янги состав сайланиши билан дарҳол назоратларни йиғиб, уларга маълум йўналишлар бериш керак. Ўз ҳуқуқини яхши билган назоратчи текширув пайтида қийналмайди.

Назоратнинг ошкоралиги ҳозир талаблар даражасида эмас. Ҳар бир текширув якунини ишчиларга маълум қилиб бориш, камчиликларга йўл қўйган кишиларни очиқ танқид қилиш, фотоайбномалар чиқариб туриш мақсадга мувофиқдир. Халқ контроли группаси ва постлари комсомол прожектори ҳамда станция касаба союзлари комитети билан алоқани мустаҳкамлаш лозим. Ўтказиладиган рейдларга прожектор аъзолари ва жамоатчи ишчиларни кенг жалб этиш лозим. Шунда умумий мақсад сари ташланган қадам дадил ва самарали бўлади.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Конференцияда қабул қилинган қарорда назоратчилар эътибори ички резервларни қидириб топиш ва ишга солишга иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтириш, янги техника ва технологияни жорий этишга, давлат интизомини мустаҳкамлаш, хўжасизлик ва социалистик мулкни кўз қорачиғидек сақлашга қаратилди.

Омма орасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни янада кучайтириш, ҳар бир ишчининг активлигини таъминлаш билан назоратнинг оммавийлигига эришиш мумкинлиги қарорда таъкидлаб ўтилди. Халқ контроли группаси бюросига назоратнинг ошкоралигини таъминлаш юзасидан маълум тадбирларни ишлаб чиқиш, цех халқ контроли группалари ва постлар жанговарлигини янада ошириш тавсия этилди.

Давлат мулкини талон-тарож қилаётган, ускуналар, материаллар, эҳтиёт қисмларни сақлашга эътиборсизлик билан қараётган кишиларга нисбатан жиддий чораларни кўриш лозим. Ходимларни хўжаликни оқилона бошқаришга, ҳар соҳада тежамкор бўлишга ўргатиш керак. Ишчилар билдирган танқидий мулоҳазаларни атрофлича ўрганиш ва уларни ҳал этиш лозим.

Тошкент ГРЭСи халқ контроли группаси конференциясида назоратчиларнинг навбатдаги вазифалари белгилаб олинди. Назоратчилар ҳозир яна ҳам актив ҳаракат қилиб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар.

Тошкент ГРЭСи коллективи тўқкизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида улкан марраларни кўзлаганлар. Энергетиклар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Улар янги йилда 115 миллион 393 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Бошқача қилиб айтганда энергетика блоклари халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун 9 миллиард 400 миллион киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқариши керак. Бу билан энергия ҳосил қилиш 1973 йилга нисбатан олти процент кўпаяди.

Ҳозир халқ назоратчилари барча коллектив эътиборини мана шу улкан вазифаларни муваффақиятли бажаришга ва республика юбилейини меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишга даъват этмоқда.

* * *

Ҳозир тўла қувват билан ишлаб турган Тошкент ГРЭСи республикамиз саноат корхоналари, шаҳар ва қишлоқларини арзон электр қувватн билан узлуксиз таъминлаб турипти. Станция цехларида монтаж қилинган турбиналар бир маромда гувилламоқда. Бу ерда ҳамма жараёнларни автоматлар бажармоқда. Бошқарув пульти ёнида турган ишчилар турбиналар ва қозон агрегатларининг соз ишлашин диққат билан кузатиб турипти.

Суратда: республикамиз энергетика саноатининг кўрки Тошкент ГРЭСини кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.



Областимиздаги бошқа саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, колхоз ва совхозларда ҳам назоратчиларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача область бўйича 300 та халқ контроли группаси ва 105 та халқ контроли постида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда сал кам 60 минг меҳнаткаш иштирок этиб, булардан 3630 киши сўзга чиқди. Назоратчилардан 6517 киши қайтадан халқ контроли группаси ва пости аъзолигига сайланди.

Янги сайланган назоратчилар орасида Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Ли, Бўка районидаги «Бўка» совхози механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева каби довғдор пахтакорлар, соҳибкорлар, чорвадорлар бор.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози назоратчиларининг ҳисобот-сайлов йиғилиши айниқса қизғин ўтди. Йиғилишда 270 колхозчи ва мутахассис иштирок этди. Сўзга чиққан зоотехник Қорақулов, сувчи Муродов, механик Қозоқбоев ва бошқа ўртоқлар колхоз назоратчилари бажарган ишларни алоҳида тилга олиб ўтдилар. Назоратчилар ҳисобот даврида бир қатор тадбирларни амалга ошириб, хўжаликка 56 минг сўмлик самара келтирдилар. Айни пайтда нотиқлар янги йилда назоратчилар олдида турган улкан вазифаларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтдилар. Жумладан, суғориш, техникадан фойдаланиш чоғида йўл қўйилган нуқсонларни келгуси йилда тула бартараф этиш юзасидан конкрет таклифларни ўртага ташладилар.

Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз халқ контроли группасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам кўпгина фойдали фикрлар баён этилди. Сўзга чиққан агроном Қосимов, чорвадор Юнусова, соҳибкор Ҳасанов ўртоқлар асосий эътиборни беш йиллигининг тўртинчи йилида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратдилар.

Колхоз халқ контроли группаси ҳисобот-сайлов йиғилишида республика халқ контроли комитети раисининг ўринбосари С. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Ж. НОСИРОВ,
Б. ПУЛАТОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

РАҚҚОСА ГУЛДАСТАСИ

... Саҳнада қуй тўлқини мавжланади. Шоҳи дуррачасини пешонасига қийтахон қилиб тортган, андижон беқасамидан хипча бел тўн кийган, оппоқ харир бурма қўйлаги ўзига ярашган латофатли қиз рақсга тушади. Театр зали томошабинлар билан лиқ тўлган. Ҳозирги ҳовур-гувур бўлиб турган жойда биронта жонзод йўқдек. Вужудлар қулоққа айланиб кетган, киприклар қимир этмайди.

Рақҳоса юзига ғоҳ табассум югуради, ғоҳида у фигон чекаётган оҳу қиёфасига киради, баъзан қўллари парвозга отланган оққуш қанотлари сингари тўлқин ясайди, Баъзан эса янги келинчакдек ибоси ниманки томошабиндан юзларини яширади. Сал ўтмай ўтирганларга раҳм-шафқат қилиб ой юзини бир нафас кўрсатиб яна бураниб кетади. Қирқ кокилларини ўйнатиб, саҳна ўртасида чир айланади.

Рақҳоса ижро этган «Тановар» ҳаммани сеҳрлаб қўйганди. Олқиш тўлқини ғоҳ пасайиб, ғоҳ кўтарилади. У саҳнанага югуриб чиқиб, одамлар қалби ташаккурига таъзим қилади, оёқлари остида поёндоз бўлиб ётган гуллар дастасини йиғиб олиб, бағрига босади. Санъаткор хизматига бундан ортиқ, эл ҳурматидан ортиқроқ баҳо бўлмаса керак...

Мана шунга ҳам чорак асрдан кўпроқ бўлди. Уша вақтдаёқ санъат мухлислари ўз баҳоларини бериб қўйишган эди. Уларнинг бирлари:

— «Тановар» Муккарамхон учун туғилган, дейишарди.

Иккинчиси: — Муккарамхон «Тановар» учун туғилган!

Ҳақиқатан ҳам дил сўзини айтиш керак, «Тановар»ни Муккарамхондек ижро этадиган рақҳоса туғилган йўқ. У шу рақсни ижро этганда одам қалбидаги барча чарчоқни, рутубатни олиб ташлагандек бўлади. Кўп кўрганмиз, Муккарамхон «Тановар»ни ижро этаётганда донра зарбига кифт қоқиб, қўл қимирлатиб ўтирган томошабинларни...

Фақат «Тановар» эмас, опа-

хон талқинида «Муножат»ни ҳам, «Андижон самоси» ҳам бухороча рақсни ҳам, эҳе, қайси бирини санаб улгурамиз, кўп кўрганмиз. Мукаррама опа саҳнада ўйинга тушганда юрган, чир айланган, парвоз қилишга отланиб йўрғалаган қадамлари жамлангудек бўлса, Ердан Ойга бориб келгунча йўл босгандир...

Бу санъат соҳибаси тўғрисида кўп ёзилган. Ҳали бундан ҳам кўпроқ ёзилгусидир.

Биз опанинг унутилмас тантанали кунларда, у кишига учинчи марта Давлат мукофоти унвони берилган кунда мубораксбод этиш учун уйларига кирдик. Эшикни фарзандлари Абдуллажон очди. Унинг ўғли, Мукаррама опанинг невараси Бобирнинг юзлари қувончдан нур сочиб турарди. Табрик, яхши истаклар айтилди. Опа ҳар гал қўлларини кўксига қўйиб, «раҳмат. кичик хизматимиз учун берилган катта баҳо учун минг бор раҳмат, биз ҳали халқимиздан кўп қарздормиз» дерди.

Гап айланиб опанинг номига келаётган хатлар, телеграммалар, табриклар хусусига кўчганда «Мен ҳозир» дея ичкари уйга кириб кетди. Сал ўтмай бир қучоқ десак муболаға бўлар, бир даста хат олиб чиқди ва ҳазиломуз:

— Кўтаролганим шу бўлди, — деди.

Бу хатлар Иттифоқимизнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларидан, ҳатто хорижий мамлакатлардан эди. Баъзиларидан айрим сатрларни кўчиришга журъат этдик:

«Мен кексайиб қолганман. Бир вақтлар балерина бўлганман. Аммо сиз ташкил этган ва ўз рақҳосалик қобилиятингизни бутун борлигича сингдирган «Баҳор» ансамбли қизлари томонидан ижро этилган ўйинларни томоша қилиб Ўзбекистон кўз олдимга келди-кетди.

Мукаррамхон, ўзингизнинг ижрочилик қобилиятингизга мафтун бўлиш билан бирга шундай ажойиб, халқлар ҳурматига, олқишига сазовор бўлган ансамблнинг ташкилотчиси сифатида сизга ҳаваси келади ва офаринлар айтаман. Ўз халқингиз рақсларидан ташқари жаҳон халқлари рақсини шогирдларингиз ижро этганда биз залда ўтирганлар ўзимизни бирдам ўша мамлакатда ҳис қилгандек бўлдик. Шунда эшитгансиз, ҳаммамиз эстон тилимизда чин қалбимиздан раҳмат ва ташаккурлар этдик. Бизга айниқса «Баҳор» вальси, «Мақом», «Чўпон йигит», «Йигитлар рақси» ғоят ёқди.

Сизга ва ансамблингиз қатнашчиларига сиҳат-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Удрас Ирже Рудольфна. Тарту шаҳри. Эстония ССР».

Мана бу хат Уралдан. Уни Клара исмли қиз ёзиб юборган.

«Баҳор» бизнинг Уралга келганда Ўзбекистоннинг гўзал ҳавоси ҳаммаёқни ёритиб, унинг қайноқ нафаси қалбларимизни иситгандек бўлди. Мен шундан бери бирорта ўзбекча рақсни ўрганиш орзусидаман. Сизни яқиндан кўриб, икки оғиз гаплашсам ўзимни бахтиёр ҳисоблардим. Ўзбек рақсларидек ҳамиша гуллаб-яшнаб юринг».

Хатлар ичида Японияда келган меҳмон Куниэ Оомари юборган хат ҳам бор. У Муккаррама опа билан Москвада танишгач, Тошкентга меҳмон бўлиб келган. «Баҳор» қизлари рақсини мароқ билан томоша қилган. У ўз юртидан юборган хатида жумладан бундай дейди:

«Сизнинг ансамблингиз ажойиб ансамбль. Мен шу соҳанинг мутахассиси сифатида сизларнинг иш методларингизни япон халқига миллий жиҳатдан ғоят муҳим томонларини тўғри кўрсатиб бериш ниятидаман. Сизнинг моҳирона талантингиз, рақҳоса қизларингизга ўз маҳоратингизни пайванд қилганингиз, менинг қалбимда унутилмас из қолдирди. Мен сизни Японияда, қуёш ўлкасида кўришни, мен мароқ билан томоша қилган рақсларни халқим билан баҳам кўришни жуда-жуда ҳам истар эдим».

Хатлар, хатлар... Варақлайверадиган бўлсак, ҳадеганда тугамайди. Уларнинг ҳаммасида аввало Муккаррама Турғунбоева ташкил этишда актив қатнашган, бешигини ардоқлаб тебратиб, бугунги кунда балоғатга етказган «Баҳор» ансамбли ижодий коллективига янада зўр ижодий муваффақиятлар тиланади. Шу билан бирга ансамблнинг ётти аъзосига, Давлат мукофоти олишга сазовор бўлган уста ижрочиларига бахт-саодат тиланади.

СССР халқ артисткаси, Давлат мукофоти лауреати, оламга танилган рақҳоса Муккаррама опа Турғунбоева маҳоратини халқимиз қарсаклар чалиб ардоқлаган, гулдасталар келтириб мубораксбод қилган. У ҳам ўз халқига ҳурматини бажо келтириб «Баҳор» ансамбли каби гулдаста ҳадя этганки, бу гулдаста кишилар қалбини ҳамиша баҳордек гуллатади, яшнатади, бардамлик бахш этади, дилларга ёшлик нафасини уфуриб туради.

С. МАҲКАМОВ.

Суратда: (биринчи қатор, чапдан ўнгга) Зинанда Куриш — кийимлар бўйича рассом, Муккаррама Турғунбоева, Равшаной Шарипова, (иккинчи қатор) Валентина Романова, Раъно Низомова, ансамблнинг музика раҳбари — Бахтиёр Алиев ва Қаҳрамон Дадаев.

И. Глауберзон фотоси.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ОСВАЛЬДО ДОРТИКОС БИЛАН СУҲБАТ

ГАВАНА, 28 декабрь. (ТАСС). Куба Республикасининг президенти Освальдо Дортикос Торрадо Гаванадаги революция саройида бир группа совет журналистларини қабул қилиб, Кубадаги революция галабасининг 15 йиллиги муносабати билан уларга қуйидагиларни гапириб берди.

Революцион ҳокимиятнинг узилкесил мустаҳкамланганлиги, революциямиз муқаррар тарихий фактга айлантирилганлиги, деди у, ана шу 15 йил мобайнидаги Куба революцион жараёнининг биринчи ва асосий ютуғи бўлди. Революцион жараёнимизнинг дастлабки йиллари кураш ва қийинчиликлар, империализмнинг агрессив кирдикорлари доимо давом этиб турган йиллар бўлди. Ана шу империалистик агрессияга қарши курашда биз халқимизнинг қаҳрамонона қатъиятига, шунингдек социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ёрдами ва ҳамкорлигига, асосан Совет Иттифоқи бериб турган ҳар томонлама катта мададга таянгик, албатта.

О. Дортикос яқин йилларда Кубани ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапириб бундай деди: 1974 йил биз учун катта аҳамиятли йил бўлади. Биринчидан, биз партиямизнинг 1975 йилда ўтказиладиган биринчи съездини ташкил этиш масалалари билан шуғулланамиз. Иккинчи томондан, бу — экономикамизни ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқишга бевосита киришадиган йил бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, деди у сўзини давом эттириб, ана шу индустриялаш программасининг баъзи бири — айниқса, энг муҳим тармоқлардаги проблемалар ўртоқ Фидель Кастро Совет Иттифоқига визит қилган вақтда ҳамкорлик тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежнев билан ўртоқ Фидель Кастро имзолаган битимлар билан узвий равишда боғлангандир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубага қиладиган визити муносабати билан президент О. Дортикос бундай деди: Совет халқи билан Куба халқи ўртасидаги, иккала партиямиз ва ҳукуматларимиз ўртасидаги муносабатлар даражаси иккала мамлакатимиз ва иккала халқимиз муносабатларининг бутун тарихи давомидаги энг юксак погонага кўтарилди. Мамлакатларимиз раҳбарларининг неча марталаб ўтказган учрашувлари эса ҳамиша шу муносабатларни ривожлантириш ва кучайтириш ишига қўшилган олий даражада муҳим ва буюк ҳисса бўлмоқда. Шу муносабат билан ўртоқ Леонид Брежневнинг бизнинг мамлакатимизга қиладиган визити бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Л. И. Брежневнинг бизнинг мамлакатимизда бўлиши барча кубаликлар учун тарихий воқеа бўлади ва биз визитга худди шундай назар билан қарамоқдамиз. Биз шу учрашув бахтига муяссар бўлганлигимиздан бениҳоя мамнунмиз, такрор айтаманки, биз, кубаликлар — ҳаммамиз Л. И. Брежневни ўз юртимизда қувонч билан табриклаймиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Латин Америкаси мамлакатига биринчи бор визит қилаётганлиги учун ҳам Л. И. Брежнев визитининг аҳамияти ғоят ошмоқда.

Суратда: Куба пойтахти Гавана. В. Кошевой фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЭНДИ АФСУС ҚИЛМОҚДАЛАР

ВЕНА. «Гражданликдан маҳрум кишилар», «ватангадолар» — Исроилдан қочиб келиб Австрия территориясида тўхтаб қолган бир неча юз кишини шундай деб атамоқдалар. Улар орасида уч юздан ортиқ собиқ совет гражданлари ҳам бор. Улар бир вақтлар сионистлар пропагандасининг ёлғон-ящиқ гапларига учиб, СССРдан чиқиб кетган, сўнгра эса, «сионистлар жаннати»,. «лаззатларини» тотиб кўриб, орқага қайтишга мажбур бўлган кишилардир...

Декабрь ойида Австриядаги баъзи бир газеталар «инсонпарварлик андишаси»ни важ қилиб, Исроилдан қочиб келаётганларга СССРга қайтиб бориш учун руҳсат берилишини талаб этиб чиққан эдилар. Айни вақтда бу ерда шу кишиларнинг фожиали аҳволи учун масъулиятни... Совет Иттифоқи зиммасига юклашга, улардан Советларга қарши турли туман ғаламисликлар қилиш учун фойдаланишга масъулиятсизларча уриниб кўрмоқдалар.

Шу муносабат билан ТАСС шарҳчиси С. Лосев бундай деб ёзади:

Исроилдан қочиб келаётган кишилар Венадагина эмас, Рим, Брюссель, Истанбулда ҳам анчагина бор. Австрияда бундай қочоқлар тобора кўпайиб бормоқда. «Винер Цайтунг» газетасининг ёзишига қараганда, «кўпчилик ҳолларда гап юқори малакали кишилар: врачлар, инженерлар ва бошқа касб вакиллари Исроилда бир ҳафтадан ярим йилгача туриб, қайтиб келаётганлиги тўғрисида бораётир». Ўндиликда бошпанасиз ва ишсиз қолган бу кишиларнинг аҳволи ҳақиқатан ҳам ачинарли. Аммо бунинг учун ким айбдор.? Уларни авантюрага тортган кишилар айбдор эканлиги равшан.

Бизнинг социалистик давлатимизда ўз тақдирини ўзга эллар билан боғлашга гражданларни мажбур этадиган иқтисодий, социал ва бошқа шарт-шароитлар йўқ. СССРда меҳнат қилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, текин медицина хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа гражданлик ҳуқуқлари конституция орқали гарантиялаб қўйилиши билан бирга реал равишда амалга ҳам оширилмоқда. Капиталистик мамлакатларда юз минглаб кишиларни тирикчилик ўтказиш умидида чет элларда изғиб юришга мажбур этадиган ишсизлик Советлар мамлакатида мутлақо тугатилган, ҳар қандай ирқий айирмачилик, миллий адоватни кучайтириш каби антисоветизм кўринишлари ҳам бизда қонунга мувофиқ жазоланади.

Исроилга жўнаб кетишга қарор берган кишиларнинг ҳаммаси тегишли равишда совет гражданлигидан маҳрум бўлган, улар Исроилда оғир вазиятга тушиб қолишлари мумкинлигидан, «ўзларининг асл юртлари» деб аталган жойда дуч келадиган реал ҳақиқат сионистларнинг афсоналарига асло ўхшамаслигидан ўз вақтида равшан огоҳлантириб қўйилган.

Шу сабабли табиийки, совет кишилари Ватанининг қадрига етмаган кишиларнинг гражданлигини тиклашдан — уларга Совет Иттифоқи граждани деган табаррук номни қайтариб беришдан бош тортаётган Совет давлатини айблаш йўлидаги душманлик уринишларидан ғазабланмай қола олмайдилар.

Ҳақиқатда эса, Исроилдан қочиб келган 317 киши Австрияда ночор аҳволда қолганлиги учун бутун масъулият Исроил ҳукуматининг зиммасига тушади. Чунки Тель-Авив ўзининг ёлғон пропагандаси, сохта ваъдалари ва алдамчиликлари билан, яҳудий оилаларни, шу жумладан СССРда яшовчи яҳудий оилаларни Исроилга кўчиб келишга зўр бериб ундамоқда. Ҳолбуки, Исроил маъмурлари чет эллардан келувчи яҳудийларни нормал турмуш шароитлари билан таъминлашга қодир эмасликларини ўзлари жуда яхши биладилар. Бунинг учун сионистларнинг ташкилотлари ҳам, «Фольксштимме» газетаси жуда ўринли таъкидлаб ўтганидек, уларни қўллаб-қувватлаётганлар ҳам ва Исроилдаги вазият хусусида одамларни жўрттага чалғитувчи сионистлар пропагандасига ёрдам бераётган кимсалар ҳам жавобгардирлар.

СССРга қайтиб кириш руҳсат бериш тўғрисидаги чақириқларга келганда бу гапларни ўйлаб чиқараётган кишиларга шуни эслатиб қўйиш керакки, Совет давлати ҳеч кимни мамлакатдан чиқиб кетишга ҳеч қачон мажбур қилган эмас, лекин СССРда яшашни истамаган кимсаларнинг қайтиб келишига ҳам йўл қўймоқчи эмас.

Спорт

ТЕРМА КОМАНДА САФАРДАН ҚАЙТДИ

СССР клублари терма командаси Латин Америкаси мамлакатларида ўтказган сафаридан қайтиб келди. Футболчиларимиз Мексика, Коста-Рика, Колумбия, Эквадор, Боливия ва Бразилияда жами 10 та халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказдилар.

Терма командамиз тўрт учрашувда ғалаба қозонди, тўрт учрашувни дуранг қилиб, икки марта мағлубиятга учради.

«УНИВЕРСИТЕТ» ИЛГАРИЛАМОҚДА

Тошкент Давлат Университети баскетботчиларининг Николаевнинг «Спартак» командаси билан бўлган учрашувда ғалаба қозонганини хабар қилган эди. Баскетболчи студентларимиз навбатдаги учрашувни Кишиневнинг «Политехник» командаси билан ўтказдилар. Учрашув бошиданоқ баскетболчиларимиз ташаббусни қўлга олиб, ҳисобни очдилар ва орадаги фарқни тобора ошира бордилар.Ўйиннинг биринчи ярми 50:28 ҳисобида тугади. Матчнинг иккинчи ярми ҳам тошкентликлар устунлигида ўтди. Ҳамшаҳарларимиз 82:66 ҳисобида ғалабага эришдилар.

СССР КУБОГИ УЧУН

Днепропетровскда сузувчиларнинг СССР кубоги учун Бутуниттифоқ мусобақалари бўлди. Бунда республикамиз спорт шарафини «Меҳнат» жамияти вакиллари Н. Афонина ва А. Волковалар ҳимоя қилдилар. Ҳар иккала вакилимиз ҳам кучли учликдан жой олишга муваффақ бўлди. А. Волкова 200 метрга брасс усулида сузишда иккинчи, А. Афонин эса 100 метрга эркин усулда сузишда 1.02,6 секунд натижа билан учинчи мукофотли ўринни эгаллади.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Икки кун давомида Тошкент қишлоқ хўжалиги ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти спорт залида кураш бўйича пойтахт области полвонлари ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Жиддий спорт курашидан кейин вазн тартибида қуйидагилар ғолиб чиқди: С. Бейсенов, З. Содиқов, Н. Нажибов, Н. Амирхонов (ҳаммаси Ўрта Чирчиқ районидан), А. Пўлатов, О. Пўлатов (Калинин райони), Д. Мамедов (Оққўрғон), П. Памнеев, Р. Бегалиев (Калинин райони) ва бўкалик А. Ҳакимов.

Умумкоманда ҳисобида Калинин райони полвонлари биринчи ўринни эгаллашди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.35— ТОШКЕНТ. 9.40 — Янгиликлар. 9.50 — Мультпанорама. 10.30 — Янги йил қувончлари 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Концерт. 11.40 — Мамлакат янги йил арафасида 12.15 Концерт. 13.00 — Мультфильмлар. 13.40 — Ўйинчоқлар магазинида. 14.00 — **Телеграмма** (бадиий фильм). 15.30—Байрам концерти. 16.30 — Муз устида балет 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Янги йил экрани — кино юлдузларига. 18.35 — «Ахборот». 18.50 — **Гул ва тўй мадҳи.** 19.25 — Телефильм. 19.45 — **Экран хандаси.** 20.45 — «Ахборот». 21.00 — **Қизлар давраси.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Янги йил концерти. 23.40 Янги йил табриги. 00.05 — Янги йил концертининг давоми. 01.20 — МОСКВА. Янги йил базми. 02.40 Телефильм. 02.50 — Совет халқига табрик. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.00 — **Қор малликаси** (мультфильм). 12.05 —**Аёз бобо** (бадиий фильм). 17.45 — МОСКВА. 18.45 — **Дони ва Миккининг янги саргузаштлари** (бадиий фильм). 19.50 — Киноконцерт. 20.30 —Москванинг чет эллик меҳмонлари. 20.50 — **Телеминиатюралар.** 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Мультконцерт. 22.55 — Телефильм. 24.00 — Янги йил базми. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1Iда **Доктор Айболит** (кундузи) ,**Флория Тоска** (кечқурун) 2Iда **Бир актли балетлар** (кундузи), **Травита** (кечқурун), 3Iда **Евгений Онегин** (кундузи), **Тановар** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1Iда **Олтин девор** (кундузи), **Парвона** (кечқурун), 2Iда **Абу Райҳон Беруний** (кундузи), **Оқшомдан тушгача** (кечқурун), 3Iда **Бой ила хизматчи** (кечқурун), **Олтин девор** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1Iда **Кумуш тўй** (кундуз ва кечқурун), 2Iда **Хотинимнинг эри** (кундузи), **Ҳижрон** (кечқурун), 3Iда **Ўжарлар** (кундузи), **Қайнона** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 1Iда **Ойдин** (кундузи), **Мудҳиш вазият** (кечқурун), 2Iда **Ташвишланманг онажон** (кундузи), **Беш кунлик нуёв** (кечқурун), 3Iда **Ойдин** (кундузи), **Биринчи бўса** (кечқурун).

КИНО

Синган таҳа — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қора қирол муаммоси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МИР» (кундузи ва кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирди (11.45, 13.30, 18.00), **Музика садолари** (15.15, 20.00), — «ЧАЙКА».

Уз ҳисобимдан ўн кун — — ЎЗБЕКИСТОН» (кундузи ва кечқурун).

Ринг — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Қум карьери генераллари — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Сайҳа — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Саннинов сри — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
2, 4, 5, 6 ЯНВАРЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

В. РОЗОВ асари, Қ. Мирмуҳамедов таржимаси.

„ОҚШОМДАН ТУШГАЧА“

(3 пардали комедия)

Саҳнага қўювчи режиссёр — Б. ИУЛДОШЕВ.

Режиссёр ёрдамчиси — М. АЗИМОВ.

Рассом — У. САЙДАЛИЕВ.

СПЕКТАКЛДА: СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номли Узбекистон ССР давлат мукофоти лауреати Олим ХУЖАЕВ, Узбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти, Ҳамза номли Узбекистон ССР давлат мукофоти лауреати С. ТАБИБУЛЛАЕВ, Узбекистон ССР халқ артисти Э. МАЛИКБОЕВА, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар О. ЮНУСОВ, Т. АЗИЗОВ, Т. ТОЖИЕВ, артистлар Н. АЛИМОВ Р. АҲМЕДОВА, Д. ИСМОИЛОВА, Д. ИБРОҲИМОВА, Ҳ. НУРМАТОВ, Д. ЗОКИРОВ, М. АЗИМОВлар қатнашадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиши маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142, Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Б. 1892. Индекс 64634. Р. 02961.